

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2024 йил
14 июнь,
жума
№ 29
(1011)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТЎРТИНЧИ АНЪАНАВИЙ САМАРҚАНД ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли Форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар! Авваламбор, “Экологик таҳдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқболи ва барқарор ечимларни излаш” мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи анъанавий Самарқанд форумининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини самимий кутлайман.

Юртимизда илк бор 2018 йилда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми жаҳон амалиётига ўзига хос “Самарқанд руҳи”ни олиб кирди десак, ҳеч муболага бўлмайди. Шу тариқа инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг долзарб муаммоларга бағишланган Самарқанд форумларини ўтказиш яхши анъана тусини олди.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси, шунингдек, таниқли хорижий давлат ва

жамоат арбоблари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги етакчи экспертлар иштирок этаётгани айниқса аҳамиятлидир.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

Яхши маълумки, глобал иқлим ўзгариши оқибатида сайёраимизда кескин экологик вазият юзага келди. Ичимлик суви тақчиллиги, атроф-муҳит ифлосланиши, тупроқ эмирилиши, кучли чанг ва кум бўронлари, биохилма-хилликнинг йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигининг пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда.

Барча қитъаларда ва мамлакатларда бу жараёнларнинг салбий таъсири янада кучайиб бормоқда. Айниқса, ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар кўп бўлган ва Орол фожиясини бошидан кечираётган Марказий Осиё минтақасида бунинг оқибатлари яққол сезилмоқда.

Экологик инқироз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги энг асосий тўсиқ ва таҳдидга айланди, глобал миқёсда қашшоқлик билан боғлиқ муаммолар кўпаймоқда, инсоннинг соғлиқ, тоза сув, озиқ-овқат ва уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш хавф остида қолмоқда. Бундан аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам,

хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, аёллар ва болалар жиддий азийат чекмоқда.

Албатта, иқлим ўзгариши оқибатида инсон ҳуқуқларига етказиладиган зарарни кескин камайтириш учун жаҳон мамлакатлари биргаликда самарали чоралар кўриши керак. Келажак авлодлар тақдири учун барчамиз улкан масъулиятни ўз зиммамизга оладиган вақт келди.

Париж битимида таъкидланганидек, иқлим ўзгаришига қарши чоралар кўрилатганида, давлатлар инсон ҳуқуқларини хурмат қилиши, рағбатлантириши ва ҳимоя қилиши, асосий диққат-этиборини мазкур соҳадаги мажбуриятларини бажаришга қаратишлари лозим.

Хурматли меҳмонлар! Янги Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммолари билан курашиш барқарор ривожланиши таъминлашининг энг муҳим омилга айланди. Биз имкон қадар бундай жараёнларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарур чораларни кўрмоқдамиз.

Янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизда инсоннинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи алоҳида бобда мустақамланган. Давлатнинг атроф-муҳитни яхши-

лаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ва тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётга ва углерод нейтраллигига ўтиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2030 йилга бориб мамлакатимиз энергетика балансида қайта тикланувчи энергия қувватини 40 фоизга етказишни режалаштирганмиз. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ўзбекистонда 1 миллиард туп қўнғир қўнғир Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этдик.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бизнинг саъй-ҳаракатларимизни жаҳон ҳамжамияти кенг қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш”, “Марказий Осиё экологик муаммолар қаршида: барқарор ривож-

ланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустақамлаш” каби муҳим резолюциялар бир овоздан қабул қилинди.

Ҳеч шубҳасиз, инсоният тўқнаш келаётган иқлим билан боғлиқ кескин муаммолар оқибатларини юмшатиш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу боис, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиёда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги резолюциясини ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича ташаббусимизни қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонаман.

Сиз, азизлар Форум давомида глобал миқёсда экологик вазият барқарорлигини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қиладиган янги амалий тақлифларни ишлаб чиқасизлар, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, Форум ишига улкан муваффақият тилаб қоламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда кафолатли таъминлаш, уларни турли хил хавф-хатарлардан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, юртимизда тинчлик-осойишталикни мустақамлаш, жамоат тартибини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, сўнги йилларда соҳага доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

● Моҳият

Янги қонун: жамоат тартибини сақлашга қаратилган

шунингдек, ўқотар бўлмаган қурол турларининг қонунга хилоф муомаласи олдини олиш самарадорлигини оширади



Жумладан, «Қурол тўғрисида»ги қонун доирасида қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, қуролнинг қонунга хилоф муомаласи олдини олиш механизмини такомиллаштириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бу ўринда Олий Мажлис Сенатининг эътибори ик-

кинчи ялпи мажлисида «Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 220-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 3-бетда) ►

САМАРҚАНД ФОРУМИ: ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Кўна ва навқирон Самарқанд шаҳри яна бир нуфузли халқаро форумга мезбонлик қилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми «Экологик муаммолар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқлари келажаги, барқарор ечимлар топиш» мавзусига бағишланди.

Форум Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адлия вазирлиги ва «Тарақиёт стратегияси» маркази томонидан, ҳамкор халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг Ўзбекистондаги жамоаси, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари му-

вофиқлаштирувчиси, ИХТ, ШХТ, МДХ, ЕИ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Туркий тили давлатлар парламент ассамблеяси, Фридрих Эберт жамғармаси, Конрад Аденауэр жамғармаси қўллаб-қувватлаши билан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев форум иштирокчиларига табриқ йўллади. Табриқни Президентнинг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов иқлим ва инсон ҳуқуқлари муаммолари муҳофаза қилинган ушбу халқаро анжуманни ташкил этиш ташаббуси Ўзбекистон Президентининг БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги (COP28) нутқида илгари сурилганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан қабул қилинди.

Парламент фаолияти



ШАҲАРСОЗЛИККА ОИД ТАЛАБЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНМОҚДА

“Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига мувофиқ Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда

“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга шаҳарсозликка оид қонунчилик талабларини бузганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

МУНОСАБАТ

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ: ТИЗИМДА ЯНГИ ИНСТИТУТ



Дилдора ПУЛАТОВА,
жиноят ишлари бўйича
Урганч шаҳар суди судьяси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари замирида аввало, инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли таъминлаш каби эзгу мақсадлар мужассам.

Шу йилнинг 10 июнь кунини имзоланган «Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони судлар фаолиятида оқолик, шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонун қўмағи



ҚАРИЙИБ
2 миллиард
сўм
суд томонидан тадбиркорга
ундириб берилди

(Давоми 3-бетда) ►

Меҳнат қонунчилиги

Бекор бўлган БУЙРУҚ

ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 42-моддасига кўра, ҳар қил муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

(Давоми 3-бетда) ►

Қурбон ҳайити фазилатлари



Қалблар қувонч ва сурурга тўладиган айём

Аллоҳ таолога беадаб шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилган тизимли ислохотлар, хайрли ишлар барча мўмин-мусулмонларни мамнун этмоқда. Янгидан қурилатган, обод бўлаётган масжидлар киши баҳри дилини очади, кўнглиларга сурур бағишлайди.

(Давоми 4-бетда) ►

● Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

ШАҲАРСОЗЛИККА ОИД ТАЛАБЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНМОҚДА



Жумладан, Жиноят кодексининг амалдаги 229³-моддаси санкциялари кучайтирилиб, бош режаларга зид равишда қурганлик, фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузганлик, кўп квартиралар уйларидаги таъин қилган конструкцияларни бузганлик ва рухсат олмасдан қурганлик учун маъмурий жарималар кўлланилганидан сўнг ушбу ҳуқуқбузарликларнинг қайта содир этилиши жиноий жавобгарлигини келтириб чиқариши белгиланмоқда.

Яъни мазкур қилмишлар оғир ёки енгиллигига қараб, маъмурий жазо тайинлангандан сўнг содир этилса, 3 йилгача ахлоқ тузатишлари ёхуд 1 йилдан 3

йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмоқда. Агар қилмиш одамлар ўлимга сабаб бўлса ёки бошқа оғир оқибатларни келтириб чиқарган ҳолларда 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарлик тўғрисида малакаланиши учун ҳар бир ҳуқуқбузарлик алоҳида қисм сифатида қайд этилмоқда. Коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маъмурий жарималар миқдорини ягона қилиб белгилаш назарда тутилмоқда.

28 ТА ҚОНУН ҲУЖЖАТИ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Амалдаги қонун ҳужжатларини янги таҳрирдаги Конституциянинг талабига мувофиқлаштиришга қаратилган қонун лойиҳасида 28 та қонун ҳужжатларига оммавий ахборот воситалари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ҳуқуқий қоидаларни Конституцияга мувофиқлаштиришнинг назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, Асосий Қонунимиз-

нинг 19-моддасида Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгликка эришишга оид норма белгиланганлигидан келиб чиқиб, 22 та қонунчилик ҳужжатларининг тегишли моддаларига ўзгаришлар киритилмоқда.

СУДЛАРДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

“Судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти янада такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига асосан айрим қонун ҳужжатларига давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ерга оид ҳуқуқий муносабатлар, давлат мулки, атроф-муҳитни муҳофизат этиш ҳақидаги қонунчилик бузилиши, давлат бюджетдан ундирувлар, ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш, ху-

сусий мулк сифатида эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш фактини аниқлаш ҳамда божхона тўловларини ундиришга оид ишларда прокурор иштирок этишини назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, прокурорнинг иштирок этиши назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича прокурор суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор этилган бўлса, у ушбу ишларни суддан талаб қилиб олиб ўрганиши ҳамда улар бўйича протест келтириши мумкинлиги белгиланмоқда.

ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ “НОЛЬ” ХАРИД ҚИЙМАТИ БЎЙИЧА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Давлат мулкни бошқариш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига асосан давлат мулкни гаровга қўйиш, баҳолаш ва оммавий савдоларга чиқариш, давлат мулки объектларини

“ноль” харид қиймати бўйича реализация қилиш тартибини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари давлат иштирокидаги корхоналарнинг ҳомийликка сарфланган ҳаражатлари, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш билан боғлиқ қоидалар белгиланмоқда.

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

САМАРҚАНД ФОРУМИ: ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Янги Ўзбекистонда инсон қадрининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Инсоннинг экологик ҳуқуқлари конституциявий даражада мустаҳкамланган. Айниқса, аҳолининг энг заиф гуруҳлари, ногиронлиги бўлган шахслар, болалар, аёллар, кекса ёшдагилар, кам таъминланганлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилмоқда.

Шундан кейин БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк ҳамда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Меккачининг видеомурожаатлари намойиш этилди. Адлия вазирининг ўринбосари Музаф Икромов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси Сабина Махл иштирокчиларни табриқлаб, мазкур нуфузли анжуман мавзуси жуда долзарблигини қайд этди.

Спикерлар Самарқанд форуми кескин экологик муаммолар кучайган бир шароитда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор қаратилиши бир ҳудуд ёки минтақа эмас, балки бутун дунё – инсониятга дахлдор масала эканини эътироф этди.

Форум ишини бошқариб борган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форумига юксак эътибор кўрсатиб табрик йўллагани учун миннатдорчилик билдирди. Самарқанд форуми – Самарқанд руҳини ўзида муҳасам этган нуфузли анжуман экани, бу ерда инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд аъналарни шакллантиргани алоҳида эътироф этди.

Қайд этилганидек, сайёрамиз миқёсида учта инкироз – иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучаймоқда. Бу хавф-хатарлар ҳатто дунё геосиёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатаётди.

Барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланган иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожияси туфайли Марказий Осиёда жиддий сезилмоқда. Бу глобал фожия оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилаётган бўлишига қарамай, бу саъй-ҳаракатларни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти 2023 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида БМТ Бош Ассамблеясининг «Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик» резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги ташаббуси билан 2021 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги резолюциясини қабул қилингани алоҳида қайд этиш лозим. Бош Ассамблея бундай мақомни биринчи бўлиб Оролбўйи минтақасига тақдим этди.

Натижада 2018-2022 йиллар давомида Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар ўрмонзорлар яратилди. Орол фожияси оқибатларини юмшатиш, Оролбўйида биохилма-хилликни сақлаш учун 3,5 миллион гектардан ортқ майдонда табиат парклари, кўриқхоналар ва давлат ҳимоя ҳудудлари барпо этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини марказлашган тарзда ичмилки суви билан таъминлаш ҳолати анча яхшиланди.

Форумда сўзга чиққан Адлия вазирининг ўринбосари М.Икромов глобал муаммога айланган бораётган автомобиль ҳаракатларини ва тирбандликларнинг авж олиб бораётгани ҳам ҳавонинг ифлосланиши сабабларини келтириб чиқараётганини таъкидлади.

Шу боис, глобал хавфлар авж олаётган бир пайтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барқарор келажагини белгилаб олиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш – Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вафаларидан биридир.

Форум доирасида «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун» кўрак нишонининг чет эллик совриндорлари тақдирланди.

Форумнинг биринчи пленар сессияси экологик муаммоларни ҳал этиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг етакчилиги ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ролига бағишланди.

Мавзу юзасидан Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси котибияти ижрочи директори профессор Ноура бинт Заид Апрашуд, Туркий Давлатлар Парламенти Ассамблеяси (ТуркПА) Бош котиби Мэхмет Сурейя Эр, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш Бош котиби ўринбосари Чжанг Линг, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) маслаҳатчиси Бехруз Мохтари маъруза қилди.

ЕХХТ Иқтисодий ва экологик фаолияти мувофиқлаштирувчиси, элчи Бакит Жусуповнинг видеомурожаати ҳамда Европа Иттифоқи Инсон ҳуқуқлари бўйича махсус вакили Олоф Скуг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Бош котиби ўринбосари Нурлан Сеитимовнинг онлайн чиқишлари тингланди.

Элчи Б.Жусуповнинг қайд этилиши, ҳозирги кунда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси мамлакатдаги иқлим билан боғлиқ муаммолар ҳаритасини тўзмоқда. Шу асосда ҳуқуқ аҳолининг, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ахборот сиёсатини ишлаб чиқиши мумкин.

Н.Сеитимов иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларга нисбатан аҳолининг муносабатини шакллантирмасдан туриб, уларни ижобий ҳал

этиш қийин эканига эътибор қаратди. Шунинг учун ҳам, МДХ Бош котиби ўринбосарининг фикрича, “Экология соҳасида онгли шахсни тарбиялаш – сайёрамиз ҳаётини сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан биридир.

Биринчи ялпи мажлис доирасидаги мунозаралар халқаро ташкилотларнинг атроф-муҳит муаммоларини ҳал қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида истиқболли барқарор ечимларни топиш учун қулай мулоқот майдонига айланди.

Маърузачилар ўзлари мансуб ташкилотларнинг бу борадаги ёндашувларига тўхтаб экан, экологини соғломлаштиришга қаратилган бошқарув жараёнларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуктаи назардан зарур инновацион гоялар, илғор тажрибалар ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар алоҳида ўрин тутишини билдирди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумининг мазкур анжумани, айниқса, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар вакилларининг ўзаро фикр алмашишлари учун муҳим аҳамият касб этди.

Иккинчи пленар сессияда иқлим ўзгаришининг глобал тенденциялари ва уларнинг заиф гуруҳлари контекстида ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларга таъсири, учинчи пленар сессияда иқлим ўзгариши шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича глобал стратегиялар ва ҳамкорлик, шунингдек, экологик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва иқлим ташаббусларини амалга оширишда бизнес ва фуқаролик жамиятининг роли кўриб чиқилди.

200 нафардан ортқ халқаро, минтақавий, хорижий ва миллий ташкилотлар вакиллари оффлайн ва онлайн форматда иштирок этган форум якунида “Иқлим ўзгариши шароитида инсон ҳуқуқларини глобал ҳимоя қилиш: барқарор келажақ учун мажбуриятлар ва ҳаракатлар тўғрисида Самарқанд декларацияси” ишлаб чиқилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

■ МУНОСАБАТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур фармонга мувофиқ Судьялар олий кенгашига Олий суд билан биргаликда 2025 йил 1 январига қадар тергов судьяси лавозими жорий этиладиган судьяларнинг юқори малакали ва масъулиятли кадрлар билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Демак, 2025 йил 1 январдан бошлаб жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида иш бошлайдиган тергов судьялари жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция берилиши масалалари — қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, қамоққа сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш, паспортнинг (ҳаракатланиш

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ:

ТИЗИМДА ЯНГИ ИНСТИТУТ



Қолаверса, бу жиноят ишларини кўриш жараёнида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни

синчковлик билан тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқиш, судланувчиларнинг барча вақтларини текшириш ва тарафлар

томонидан келтирилган илтимосномаларни батафсил кўриб чиқишга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

Энг асосийси, Фармонда тергов судьяси ўз фаолиятини мустақил амалга ошириб, фақат қонунга бўйсунуши ҳамда тергов судьясига оид судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Қисқаси, суд-ҳуқуқ тизимидаги бу муҳим ўзгаришлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича судларнинг иш юк-масини камайтириш ҳамда судьяларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнида қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиши учун кенг имкониятлар яратади.

Таҳлил ва таклиф

Корпоратив ҳуқуқларни суд орқали

турли асослар билан иш юритиш тугатилиб келинаётганидир. Масалан, “Betiz universal servis” масъулияти чекланган жамиятининг “Ko’rkam qu’lilish” масъулияти чекланган жамияти ва “Kelajakka qadam” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ва уставни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иш бўйича қабул қилинган ажримда устав ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи ҳужжат ҳисобланмаслиги сабабли ушбу низо иқтисодий судга тааллуқли эмас, деб иш юритиш тугатилган. Шунингдек, “Vuxorota’mirloyiha” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси М.Аҳмедовнинг “Vuxorota’mirloyiha” масъулияти чекланган жамияти уставининг 9.1.-банди қисман ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъ-

воси бўйича қўзғатилган иш бўйича апелляция инстанцияси судининг қарорида қонунчилик ҳужжатларида жамият уставини юзасидан низолаштириш назарда тутилгани тўғрисидаги асос билан ушбу талаб мазмунан кўриб чиқилмаган.

Бундан ташқари “Заркон” масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчиси Х.Хўжаевнинг 2023 йил 27 августдаги 1-сонли умумий йиғилиш қарори ва 2023 йил 25 сентябрдаги янги таҳрирдаги уставни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишда ҳам умумий йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб мазмунан кўриб чиқилиб, уставини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб бўйича иш юритиш тугатилган. Бу каби ҳолатни Ш.Шодиевнинг “33-автокорхона” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2020 йил 10

декабрдаги 14-сонли умумий йиғилиши баёни, 2020 йил 11 декабрдаги янги таҳрирдаги уставни, 2020 йил 10 декабрдаги олд-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ва Б.Тошевни таъсисчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган ишни кўриб чиқиш жараёнида ҳам кўриш мумкин. Анқиқроғи, суд томонидан уставни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб бўйича иш юритиш тугатилиб, даъво аризасидаги талабларнинг қолган барчаси мазмунан кўриб чиқилган. Бунинг оқибатида жамият уставидан қонунга зид бўлган айрим бандларни суд орқали низолаштириш имконияти йўқотилмоқда.

Ўрни келганда шуни қайд этиш жоизки, амалиётда уставни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб мазмунан ҳал қилинган ҳолатлар ҳам мавжуд.


◀ (Бошланиши 1-бетда)

Чунки ушбу янги қонун ҳам жамоат тартибини таъминлашга, жумладан, қурол муомаласи билан боғлиқ муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ишларнинг узвий давомидир.

Айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 220¹-моддасида пневматик, сигнал берувчи, улоқтириш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини рұхсатнома ва лицензияларсиз, қонунга хилоф муомаласига доир ҳаракатларни бажариш ҳамда фаолиятни амалга оширганлик учун қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Бунинг натижасида биргина 2023 йилда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан 1072 дона қонуннинг, яъни рўйхатга қўйилмаган қуроллар аниқланган. Натижада 839 нафар фуқаро Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 220¹-моддасига асосан жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари 2023 йилда тегишли рұхсатномаларсиз сақлаётган пневматик қуролини ихтиёрий равишда топшириш масалалари юзасидан ички ишлар идораларига 1599 нафар фуқаро мурожаат қилган. Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган таълим ва тарбия чора-тадбирларга қарамадан ўқотар бўлмаган, яъни пневматик қуролга ноқонуний эгалик қилиш, уйда сақлаш, кўча-кўйда



Янги қонун: жамоат тартибини сақлашга қаратилган

ШУНИНГДЕК, ЎҚОТАР БЎЛМАГАН ҚУРОЛ ТУРЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

олиб юриш билан боғлиқ ҳолатлар кузатилмоқда.

Ўтган йили пневматик қуроллар билан боғлиқ 5 та ноҳуш ҳолат ҳам содир этилган. Бунинг оқибатида 4 нафар фуқаро жароҳатланган, 1 нафари эса, вафот этган.

Аниқроқ айтганда, 2023 йил 11 апрель куни Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида вояга етмаган Ф.Р. отасига тегишли ноқонуний пневматик қуролдан отиб синглиси З.Р.нинг бош қисмига оғир жароҳат етказган. Шу ҳолатларнинг ўзиёқ мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш зарурати мавжуд эканини

кўрсатади.

Хусусан, амалдаги қонунчиликда пневматик ва шунга ўхшаш бошқа қуролларни ўз ихтиёри билан ички ишлар идораларига топширган шахс жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилмаган. Бу ҳолат ҳам аҳоли томонидан ушбу қуролларни ўз ихтиёри билан мутасадди идораларга топширмаслик сабабларидан бири бўлмоқда.

Амалдаги қонун талабига кўра, фуқаро ўз ихтиёри билан пневматик қуролни топширган тақдирда ҳам қурол мусодара қилиниб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн

беш бараваридан ўттиз бараварига, мансабдор шахсларга эса, йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қароқчи олишга сабаб бўлиши мумкин.

Ваҳоланки, Жиноят кодексининг 248-моддасида жамоат хавфсизлиги даражаси анча юқорироқ бўлган ўқотар қуролни ўз ихтиёри билан топширган шахс жавобгарликдан озод қилиниши кўзда тутилган. Ана шу таққоснинг ўзиёқ қонунчиликда бир-бирига зид нормалар мавжуд эканини яққол кўрсатиб турибди.

Ушбу ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида қонунчиликда пневматик, сигнал берувчи, тигли совуқ, улоқтириш қуроли ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли каби ўқотар бўлмаган қурол турларини ўз ихтиёри билан топширган шахслар жавобгарликдан озод қилинишини назарда тутувчи нормани белгилаш зарурати юзага келди.

Шу боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 220¹-моддасига шахсни ўзининг қонунга хилоф эгалигида бўлган пневматик, сигнал берувчи, тигли совуқ, улоқтириш қуроли ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуролини ихтиёрий равишда топширганда маъмурий жавобгарликдан озод қилиш имкониятини назарда тутувчи янги қонун киритилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу ўзгариш жамоат тартибини сақлаш ва ўқотар бўлмаган қурол турларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишига, аҳоли ўртасида ноқонуний сақлаётган қуролнинг ихтиёрий равишда топширилиши тарғибот-ташвиқот қилиш ишларининг тўққонлиқсиз ташкил этилишига хизмат қилади.

Кутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенати Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

✓ **Қонун кўмаги**

ҚАРИЙБ 2 миллиард сўм

суд томонидан тадбиркорга ундириб берилди



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жумладан, Хўжабод тумани Жалақудуқ тумани Мактабга ва мактаб таълими бўлими ҳамда тадбиркор Умиджон Юсупов раҳбарлигидаги "NEW BUILDING" масъулияти чекланган жамияти ўртасида юзага келган низо бўйича қабул қилган адолатли қарори ҳам фикри мизни яққол тасдиқлайди.

Шу ўринда бу ҳақда батафсилроқ фикр юритадиган бўлсак, 2023 йил 4 сентябрда тарофлар ўртасида тумандаги 10 ва 29-сонли давлат мактабга таълим муассасалари ҳамда 19, 27-умумтаълим мактаблари биносини жорий таъмирлаш тўғрисида 10, 11, 12, 13-сонли шартномалар тузилган. Шунга асосан, тадбиркор 10-сонли давлат мактабга таълим муассасаси биносида 1 миллиард 201 миллион сўмлик, 27-умумтаълим мактаби биносида 156 миллион, 29-сонли давлат мактабга таълим муассасаси биносида 164 миллион, 19-сонли умумтаълим мактаби биносида 397 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажарган. Бу тўғрисида тегишли далолатномалар ҳам тузилган. Қолаверса, Жалақудуқ тумани прокуратурасининг 2023 йил 20 октябрдаги 10.6/23-сонли талабномасига асосан "Norma qurilish nazorat" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан бажарилган ишлар назорат ўлчовидан ҳам ўтказилган. Аммо Жалақудуқ тумани Мактабга ва мактаб таълими бўлими кўр-кўрона иш тутиб, "NEW BUILDING" масъулияти чекланган жамиятининг ҳақини тўлаб бермайди. Шундан сўнг тадбиркор У.Юсупов Хўжабод туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, Жалақудуқ туманидаги таълим муассасаларида бажарилган ишлар учун 1 миллиард 918 миллион 485 минг сўмлик иш ҳақини ундириб беришни сўради.

Янгиланган Конституция-мизнинг 55-моддасига мувофиқ, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда таъминланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишига ҳақли. Ҳар қимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Айтиш керакки, юқорида баён этилган низо судда қўриш жараёнида Андижон вилояти Иқтисодиёт ва молия бошқармаси ишга жалб қилинган бўлса-да, судга келмади, фақат даввога ва жавобгар ўртасида тузилган пудрат шартномалари Жалақудуқ тумани газначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилмаганини билдириш билан кифояланди.

Хулоса ўрнида айтганда, давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият эга. Бу тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга кенг имконият яратади.

Иброҳим ЖўРАЕВ,
Хўжабод туманлараро иқтисодий суди раиси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бинобарин, юртимизда ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши, касб ва фаолият турини эркин танлаши учун кенг имкониятлар яратилган. Бироқ ҳаётда баъзан меҳнат қонунчилигига амал қилмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай лоқайдлик эса, фуқароларнинг овозгарчилигига сабаб бўлади.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Наргиза Хўжамова судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, Учқудуқ тумани спорт мактаби раҳбарининг 2023 йил 20 июндаги буйруғини ноқонуний деб топиб, бекор қилиш, ўзини йўриқчи-услугчи вазифасига ишга тиклаш, етказилган маънавий зарар учун 250.000.000 сўм товон пули, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириб беришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Н.Хўжамова 2017 йилда Учқудуқ тумани Болалар-ўсмирлар спорт мактабига йўриқчи-услугчи лавозимига ишга қабул қилинган.

Спорт мактаби раҳбарининг 2023 йил 20 июндаги буйруғига асосан, Н.Хўжамова билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 168-моддаси, 1-қисми, 4-бандига асосан ишга қабул қилишга доир белгиланган қоидаларнинг бузилгани, уни бартараф этиш имконияти бўлмагани, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сонли қарори билан тасдиқлан-



Қонун кўмаги

Бекор бўлган БУЙРУҚ

ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ

ган Низомнинг 62-бандига асосан бекор қилинган.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сонли қарори 1-иловасидаги Низомнинг 62-бандига "Спорт мактабига ташкилий, тарбиявий, соғломлаштириш ва мутахассисларни жисмоний тарбия бўйича олий маълумотли, камида бир йил тренер-ўқитувчилик бўйича иш тажрибасига эга бўлган мутахассислардан тайинланган йўриқчи-услугчи амалга оширади" деб белгиланган. Иш берувчининг ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғида

ушбу Низом талаби асос сифатида келтирилган.

Бундан ташқари Навоий вилояти Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармаси ходимлари томонидан тузилган далолатномада Н.Хўжамовага мактабда мавжуд бўлган бошқа иш ўрни таклиф қилинган, бироқ у бундан эътибор қайд этилган.

Аммо Н.Хўжамова суд мажлисида берган кўрсатмасида иш берувчи томонидан унга бошқа иш ўрни озғани равишда таклиф қилинган, лекин у бунга рози бўлмагани, чунки ўз лавозими вазифаларини яхши билишини билдирди.

Суд иш ҳолати ва қонун талабларидан келиб чиқиб, Н.Хўжамова йўриқчи-услугчи лавозимда 2017 йил 3 январдан буён ишлаб келиши, олий маълумотли экани, йўриқчи-услугчи лавозими тренер-ўқитувчи лавозимидан юқори туриши, қонунда иш берувчининг меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 168-моддаси биринчи қисми 4-бандига мувофиқ бекор қилиши учун ишга қабул қилишнинг қоидалари бузилганини бартараф этиб бўлмаганда йўл қўйилиши назарда тутилганини эътиборга олди. Ана шу қонуний асосларга таянган ҳолда Н.Хўжамова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни ғайриқонуний деб топди ва уни ишлаб келган вазифасига ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Шунингдек, суд Н.Хўжамовага етказилган маънавий зарар учун товон пули ҳамда мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундиришни ҳам лозим топди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳар бир идора ва ташкилотда меҳнат қонунчилигига қатъий амал қилинса, ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари бузилмайди. Бу эса, ўз навбатида, судлардаги иш юкларини камайитиришга ҳам хизмат қилади.

Анвар ЖУМАЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ тумани суди раиси

ҲИМОЯ ҚИЛИШ: МУАММО ВА ЕЧИМ



Фикримизча, масъулияти чекланган жамият устави юзасидан низолашиш корпоратив низо сифатида куйидагиларга

асосан иқтисодий судларда кўриб чиқиши лозим:

1. Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 55-модда-

сига асосан ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда таъминланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

2. Иқтисодий процессуал кодексга 2023 йил 26 апрелда киритилган ўзгаришларга асосан, иш иқтисодий, фуқаролик ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмасига иш юритишдан тугатилади.

Олий суд Пленумининг "Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 22-бандига кўра, Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддаси 1-бандига мувофиқ, агар иш иқтисодий суд, фуқаролик ишлари бўйича суд ёки маъмурий судда кўриш учун тааллуқли бўлмаса, суд иш юритиш-ни тугатади. Яъни иш суд-

ларнинг эмас, балки бошқа органларнинг (масалан, ҳокимлик, нотариус ва бошқалар) ваколатига тегишли бўлганда, шунингдек, билдирилган талаб ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилмаган тақдирда иқтисодий суд иш юритишни юқоридаги асосга кўра, тугатади, дея тушунтириш берилган. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, устав юзасидан низолашиш бошқа органнинг ваколатига кирмайди, шунингдек, устав ёки унинг бир қисмини ҳақиқий эмас, деб топиш орқали ҳуқуқни ҳимоя қилишга эришилади.

3. Аксарият хорижий давлатларда устав (унинг алоҳида қисмларини) ҳақиқий эмас, деб топиш арбитраж ва ҳужалик судларини томонидан кўриб чиқилади. Бундай тоифадаги ишларнинг аксарият қисмини масъулияти чекланган жамият уставидаги иштирокчиларнинг улушларини бошқариш (та-

сарруф этиш), шунингдек, масъулияти чекланган жамиятдан чиқиш шартлари ва тартибини белгиловчи бандлар ташкил этади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Олий ҳужалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низолашиш ҳал этишининг айрим масалалари тўғрисида" қарорига устав (унинг алоҳида бандлари) юзасидан низолашиш иқтисодий судларга тааллуқлилиги тўғрисида ўзгариш киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу ўзгариш судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш билан бирга тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш шубҳасиз.

Мақсудбек САЙДОВ,
Ғиждувон туманлараро иқтисодий суди судьяси

Курбон ҳайити фазилатлари



КАЛБЛАР ҚУВОНЧ ВА СУРУРГА ТЎЛАДИГАН АЙЁМ

«Бошланиши 1-бетда»

Айниқса, умра ва ҳаж зиёратини ташкил этиш ишлари мукамаллик касб этиб, умра квоталари умуман бекор қилинган, ҳаж квотаси 15 мингдан ошгани ҳар бир мўмин кишини қувонтириб, бу муборак масканлар томон ошиқшига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Макка шаҳрида бўлиб турган Мусулмонлар идораси раиси, шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари билан телефон орқали мулоқот қилиб, ҳожиларимиз ҳолидан хабар олгани, саломатлиги, яратилган шароитлар билан қизиқгани муборак ҳаж файзи ила юрган ҳожиларни чексиз даражада мамнун этди.

Дарҳақиқат, дунё тарихида давлат раҳбарининг зиёратчилар ҳолидан хабар олиш учун шахсан Маккага кўнгирак қилиши ҳеч қувватлимаган ҳолатдир! Аллоҳга шукри, Президентимиз ташаббус ва кўрсатмалари асосида ҳаж тadbирлари юқори савияда, тартибли ташкил этилди. Тегишли вазирлик ва ташкилотлар ҳамда бошқа тузилмалар ҳамкорлигида зиёрат-

чилар учун барча қулайликлар яратилди.

Юртимиз тарихида илк марта Ўзбекистон ҳожилига мамлакат Президентини даражасида эътибор кўрсатилаётгани, буни ҳар бир зиёратчи юракдан ҳис қилиб, кўзларида ёш ила дуо-лар қилаётганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Мана шундай шуқуҳли дамларда Курбон ҳайити айёмларини кўтаринки кайфиятда нишонлаш учун кўрилатган чора-тадбирлар халқимизнинг кўнглини шод, хонадонини файзга тўлдирмоқда. Бу борада Президентимизнинг «Курбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори байрамнинг янада шод-хуррамликда ўтишига замин бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ҳар бир байрамнинг ўз таровати, шуқуҳи ва қадри бор. Илло, диний байрамлар — Рамазон ва Курбон ҳайитининг сурури ўзгача. Айниқса, бу қўтлуғ саналарда халқимизга хос меҳр-шафқат, саховат ва мурувват, қаноат ва шукроналик туйғуларни янада аққолроқ намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Ҳақ таоло Исло

дини ила бандаларини сийлаб, мукаррам этар экан, улар учун энг улўғ бўлган кунларни байрам қилиб берди. Мўътабар манбаларда ушбу саодатли онларда хурсандчилик қилиш ҳақида кўп тавсиялар келган. Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам «Курбонлик кунини байрам қилишга амр қилиндим. Уни Аллоҳ бу уммат учун хос байрам қилиб берди», деганлар.

Курбон ҳайити кунини хурсандчилик қилишга Парвардигори оламнинг ўзи амр қилмоқда. Бу улўғ кунни биз умматларга хос байрам қилиб бергани унинг аҳамиятидан дарақдир.

Курбонлик қилиш Яратганининг берган неъматларининг шукронасини адо этиш ва нафсоний иллатлардан қопланмиш ҳамда банданинг Яратувчиси амрига итоатини намоён этади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда «Аллоҳга (қурбонлик) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли — У зотни улуғлаш-

рингиз учун — уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар берин!» («Ҳаж» сураси, 37-оят).

Ҳадиси шарифда Набий алайҳиссалом «Одамзот қурбонлик қилиш (наҳр) кунини қон чиқаришдан кўра Аллоҳга маҳбуброқ иш қилган эмас. Албатта, у (хайвон)лар қиёмат кунини шоҳлари, жунлари ва туёқлари билан келурлар. Албатта, қон ерга тушишдан олдин Аллоҳнинг ҳузурини мақонга етур. Уни чин кўнгила чиқарингиз», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Ҳайит байрамлари қадимдан ўлкамизда халқимизга хос меҳр-мурувват ва саховат ифодаси бўлиб келган.

Ушбу айём кунлари қилинадиган афзал амаллар ҳақида гап кетганда, бу кунларда энг улўғ ибодат, шубҳасиз, қурбонлик қилишдир. Имом Дайлабий ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам «Курбонликларингизни каттароқ қилинлар, чунки улар Сирот кўпригида сизларга улўғ бўлади», деб марҳамат қилганлар.

Курбонлик ибодат бўлиши билан бира унинг ижтимоий аҳамияти ҳам бекиёс. Унда қилинадиган қурбонликлар жамиятда кишилар ўртасида инсоний фазилатларни ривож топишида хизмат қилувчи восита ҳисобланади. Чунки қурбонлик гўшти ва таомидан эҳсон қилиш қалбларни юмшатиб, меҳр-муҳаббат ришталарини мустаҳкамлайди.

Ҳайит ўз номи билан хурсандчиликдир. Ушбу байрамда ота-она ва фарзандларга совға улашиб, уларни қувонтириш, кексалар ва бетобларни зиёрат қилиш, уларга ҳада бериб, қалбларини сурур билан тўлдирдиш динимиз тарғиб қилган амаллардандир.

Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб турган ушбу фазилатли кунларда, қалбимиз юмшаб, илҳосимиз ортиб турган лаҳзаларда дуо қилайлик: Она-Ватанимиз тинч-осойишта, хонадонларимиз файзу баракати ва фарзандларимиз бахту саодатли бўлсин!


Даврон НУРМУҲАММАД,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати ходими

Бировнинг мулкни ўғирлаш хавфли қилмиш ҳисобланади. Шу сабабли бундай қилмишга нисбатан қонунчиликда жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят ва жазо

Юзшувутлик

ёхуд ўғирлик оқибати



Наманган шаҳрида яшовчи Сайёра Солиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) илгари ўғирлик жиноятига қўлга ургани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Суд унинг ёшлигини инобатга олиб, енгил жазо турини қўллаган ва унга ҳалол яшаш учун имкон берганди. Афсуски, у бу имкониятдан тўғри хулоса чиқариб олмади. Ҳаётда тўғри йўлни топиш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш ўрнига яна эски «хунар»ни қўсаб қолди. У бу гал бир уйда ашаётган ҳамхоналарини тунади.

С.Солиева ижарада яшайдиган уйда уй бекасидан ташқари 2 нафар талаба қиз ҳам истиқомат қиларди. Ҳамма бир-бирига ишонгани учун уйда ҳеч нарса беркитиб қўйилмас эди. Айни шу ҳолат С.Солиевага қўл келди.

У пайт пойлаб, хонадон эгасининг 600 минг, яна бир ижарачи қизнинг 1 миллион сўмлик телефон аппаратлари ва 700 минг сўм пулини ўғирлаб кетди. Телефон аппаратларини бозорда номаълум шахсларга сотиб, пулини ўз эҳтиёжи учун

сарфлаб юборди. Жабрланувчилар ички ишлар идораларига муурожаат қилгандан сўнг С.Солиеванинг қилмиши фош бўлади ва унга нисбатан жиноят иши очилади.

Яқинда ушбу жиноят иши судда кўриб чиқилди. Суд етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлиги, С.Солиеванинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга жарима жазоси тайинланди.

Энди С.Солиева ушбу инсонпарварлик ва бағрикенгликни оқлармикан? Қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олармикан?

Албатта, буни вақт кўрсатади. Лекин ҳаёт ҳақиқати шуки, ўғрининг ҳеч қачон қосаси оқармайди. Зеро, бировнинг ҳақи ҳеч қачон ўзгача асло буюрмаган.

Самад ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди раиси

Жиноятга жазо муқаррар

Хозирги пайтда бутун дунё миқёсида одам савдоси жинояти глобал муаммо ҳисобланади. Куч билан таҳдид қилиш ёки куч шилатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишда ифодаланган ушбу трансчегаравий жиноятга қарши курашиш жаҳон жамоатчилигининг доимий диққат марказида турибди. Афсуски, бу турдаги жиноятчилик мамлакатимизга ҳам беғона эмас.

Тўхтатилган «ПАРВОЗ»

судда одам савдоси жиноятига қонуний жазо тайинланди

Маълумотларга қараганда, 2021 йилда юртимизда одам савдоси қурбонлари сони 175 нафарни ташкил этган. Шундан 81 нафар хотин-қиз шахвоний мақсадларда фойдаланилган бўлса, 12 нафар эркак мажбурий меҳнат қурбонига айланган. Бу кўрсаткич 2022 йилда 93 нафарга тенг бўлган.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, мамлакатимизда ушбу хавфли жиноят турига қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун асосида бу хавфли жиноятга қарши қатъият билан кураш олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамадан қабих ниятда ушбу тубан жиноятга қўл ураётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Фикримизни мисол орқали давом эттирадиган бўлсак, Самарқанд шаҳрида яшовчи Гулнисо Ғанижоновна (исм-шарифлар ўзгартирилган) турмушдан ажрашган, моддий жиҳатдан қийналиб қолади. Чўкаётган одам хасга ёпишгани каби у ҳам бу вазиятдан чиқишга чора ахтарди. Ўтган йилнинг охирида у қариндоши Моҳитоб Асадовага хорижга бориш ишлаб келиш ниятида эканини айтади.

Бу беҳизга эмас эди. Чунки ёш жиҳатидан тенгдosh бўлган М.Асадованинг турмуш тарзи ҳам Ғанижонованинг яшаш муҳитидан фарқ қилмасди. У ҳам худди Ғанижоновна сингари эридан ажрашган бўлиб, бир неча йил аввал Туркияга ишга бориб келган эди. Шу боис М.Асадова қариндошининг хорижга бориш режасини дарҳол қўллаб-қув-

ватлаб, Туркияда танишлари борлиги ва улардан ёрдам беришни илтимос қилишини билдиради. Шундан сўнг М.Асадова «Метос» исмли таниш аёлга кўнгирак қилиб, Ғанижоновнага иш топиб беришни сўрайди. «Метос» Ғанижоновнага тўғридан-тўғри тубан йўл орқали пул ишлашни таклиф қилади.

Аммо дабурустан айтилган бу таклифни Ғанижоновна рад этади.

— Яқинда Туркияга кетаман, — дея гапида давом этади М.Асадова. — Агар бирга кетиб, мен айтган иш билан шуғулланишни истовчи танишларинг бўлса, олдимга олиб кел. Хизмат ҳақингни бераман...

Бу гап Ғанижоновнага маъқул келди ва яқин таниши бўлган Фарида Худойкуловадан ахлоқсиз қизларни топишга ёрдам беришни сўрайди. Бунинг эвазига мўмайгина «хизмат ҳақи» олишини эшитган Ф.Худойкулова тез орада «Марғуба», «Шалопла», «Ирода» исмли қизларни М.Асадованинг уйига бошлаб келди. Уз навбатда, М.Асадова уларнинг фото-суратларини хориждаги ҳамтового «Метос»га жўнатади. Қизлар «Метос»га маъқул келгани учун уларнинг ҳар бирига 300 АҚШ долларидан тўлашга рози бўлади. М.Асадова бунинг ҳисобидан Ғанижоновна ҳам моддий манфаатдор қилишга ваъда беради.

Ушбу келишувдан сўнг М.Асадова «Самарқанд — Истамбул» йўналиши орқали Туркия давлатига учиб кетиш учун ўзи, Ф.Худойкулова, «Марғуба», «Шалопла» ва «Ирода»га авиачипта харид



қилади. Аммо уларнинг парвози тўхтатилади. Шу йил 16 январь кунини «Самарқанд» халқаро аэропортида Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда М.Асадова ва Ғанижоновна қўлга олинади. Шундан сўнг уларга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Яқинда ушбу жиноят иши судда кўриб чиқилди. Суд М.Асадова ва Ғанижоновна жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми «б,е» бандларида асосан айбдор деб топди ва уларга муайян муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шу тариқа яна бир оғир жиноятнинг пайи қирқилди. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Зеро, одам савдоси энг тубан жиноят тури ҳисобланади.

Бекзод ЖУМАОБОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди раиси ўринбосари
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч - адолатда» мухбири

Одам боласи азал-азалдан доимо соғлом бўлиш ва узоқ умр кўришни орзу қилади. Шу боисдан ҳам хаёлий кечмишлардан кўра амалий натижаларни хуш кўрадиган донишманд ҳақимлар бу борада жиддий изланишлар олиб боришгани сир эмас.



Буни қарангки, қадим Шарқ табобатида «абдий ёшлик», «хаёт ўсимлиги» деган маъноларни аниқлашнинг донгдор ўсимлик, аслида, сизу биз яшаётган табиатда мавжуд экан. Эндилликда фанга маълум бўлишича, табобат илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино инсон танасидаги илон захрини ушбу ўсимликдан малҳам тайёрлаб, муваффақиятли бартараф қилган. Машҳур табибнинг кўлэмаларида «линжи» номи билан аталган кизил кўзиқориннинг инсон организмни соғломлаштириши ва вужудга навқиронлик бағишловчи хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотлар баён этилган. Шунингдек, кейинчалик Хитойда ўсимликлар қироли деб юритилган «Шэнь нуна» («Гиеҳлар тўплами») номли китобда ҳам бобомиз Абу Али Ибн Сино таърифига ҳамоҳанг бўлган шундай хужайралар бор: «Линжи — организмни мустаҳкамлайди, ўстиради ва захарни организмдан чиқариб ташлайди».

Маълумки, кўзиқоринлар фанда органик дунёнинг ўзига хос вақиллари саналади. Чиндан-да, эътибор билан қаралса, улар нимаси биландир ўсимликка қиёсланса, яна нимаси биландир жонли хужайрага ўхшайди. Аслида, бу хужайраларнинг ўсимлик хужайрасидан фарқи шундаки, у ўзида хлорофилл сақламайди. Шу сабабли улардаги энергия қуёш нуридан эмас, балки биокимёвий реакция ҳисобига йиғилади.

Юқорида қайд этилганидек, бобомиз Абу Али Ибн Сино бағоят ўринли фойдаланган, ер юзюда энг камбел малҳам саналадиган озуқавий маҳсулот — қизил кўзиқорин Хитойда «линжи», Японияда эса «рейши» деб аталади. Ҳозирги илмий номи эса, «Ганодерма лусидиум» бўлиб, бу ном «Ялтироқ тери» деган маънони англатади.

Бугунги кунда дунё олимларининг тинимсиз изланишлари натижасида 5 минг йиллик тарихга эга бўлган ноёб генодерма лусидиумни органик усулда ўстириш йўлга қўйилди. Хусусан, хитойлик микробиолог олим Леау Сун Сенг ушбу қизил кўзиқорин устида муваффақиятли илмий изланишлар олиб берди. Маълумотларга қараганда, у 200 тадан ортиқ генодерма лусидиум турларидан фақат 6 турини танлаб олган. Бу бежиз эмас чоғи, негаки, маълумотларга қараганда, фақат улардан оқибу турлар инсоннинг юрак, мия, қора талоқ, буйрак, ўпка аъзоларининг шаклларида жуда ўхшашлиги — уларнинг фойдали хусусиятлари табиатдан ато қилинганини сўзсиз исботлайди. Аслида ҳам уларнинг таркибида 200 дан ортиқ фаол моддалар, жумладан, 7 хил моносахарид, 18 хил аминокислоталар, 10 хил микроуносурлар ва бошқа фойдали моддалар борлиги аниқланган.

Олимларнинг фикрига қараганда, бу кўзиқоринларнинг организмга шифобахшлиги бошқа турдаги кўзиқоринларда учрамаган экан. Энг муҳими, бу маҳсулотларни истеъмол қилганда инсоннинг барча аъзолари фаолиятга ижобий таъсир кўрсатгани ўз исботини топган. Энг асосийси, у иммун тизимни мустаҳкамлайди ва айни вақтда организмни турли ёнилғи маҳсулотлардан ажралаб чиқиб, нафас йўли орқали танамизга кирган захарли кўрғошин моддаси, бактерия ва вируслар, кимдэй дори воситалари қолдиқлари, хилтлар, буйрак, ўт пуфаги ва бўғимлардаги тош-тузалардан, ортиқча ёғлардан тозалайди.

Шунингдек, у пардоз воситаси сифатида ҳам самарали қўлланилади. Хусусан, юздаги майда ажинларни йўқотади, терининг мунтазам майинлигини сақтайди. Тадқиқотчилар маҳаллий шароитда ўсган замбуруғнинг фармакологик хусусиятларини ўрганиш борасида унинг кўп миқдорда полисахаридлар сақлашини аниқладилар. Олимларнинг фикрича, улардан ўстириш шароитини ўзгартириш орқали экзо ва эндополисахаридларни кўп миқдорда ажратиб олиш имконияти мавжуд. Шу боисдан ёш олимлар генодерма лусидиум замбуруғининг полисахаридлар синтез қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида, 13 хил таркибга эга бўлган озуқа муҳити манбалари мавжудлигини ўрганиб чиқиди. Олимларнинг натижаларига кўра, энг мақбул озуқа муҳити бўлган глюкоза, лактоза ва крахмал сақлаган озуқа манбаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Дарҳақиқат, она табиатнинг ўзи шифокор. Бошқача айтганда, инсон организмга зарур бўлган барча факторлар ҳам, мабодо у хасталикка учраса, унга даво бўладиган малҳамлар ҳам атрофимиздаги табиий оламда тўла-тўқис мужасамдир. Фақат улардан оқибу турлар инсоннинг юрак, мия, қора талоқ, буйрак, ўпка аъзоларининг шаклларида жуда ўхшашлиги — уларнинг фойдали хусусиятлари табиатдан ато қилинганини сўзсиз исботлайди. Аслида ҳам уларнинг таркибида 200 дан ортиқ фаол моддалар, жумладан, 7 хил моносахарид, 18 хил аминокислоталар, 10 хил микроуносурлар ва бошқа фойдали моддалар борлиги аниқланган.

Олимларнинг фикрига қараганда, бу кўзиқоринларнинг организмга шифобахшлиги бошқа турдаги кўзиқоринларда учрамаган экан. Энг муҳими, бу маҳсулотларни истеъмол қилганда инсоннинг барча аъзолари фаолиятга ижобий таъсир кўрсатгани ўз исботини топган. Энг асосийси, у иммун тизимни мустаҳкамлайди ва айни вақтда организмни турли ёнилғи маҳсулотлардан ажралаб чиқиб, нафас йўли орқали танамизга кирган захарли кўрғошин моддаси, бактерия ва вируслар, кимдэй дори воситалари қолдиқлари, хилтлар, буйрак, ўт пуфаги ва бўғимлардаги тош-тузалардан, ортиқча ёғлардан тозалайди.

Шунингдек, у пардоз воситаси сифатида ҳам самарали қўлланилади. Хусусан, юздаги майда ажинларни йўқотади, терининг мунтазам майинлигини сақтайди. Тадқиқотчилар маҳаллий шароитда ўсган замбуруғнинг фармакологик хусусиятларини ўрганиш борасида унинг кўп миқдорда полисахаридлар сақлашини аниқладилар. Олимларнинг фикрича, улардан ўстириш шароитини ўзгартириш орқали экзо ва эндополисахаридларни кўп миқдорда ажратиб олиш имконияти мавжуд. Шу боисдан ёш олимлар генодерма лусидиум замбуруғининг полисахаридлар синтез қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида, 13 хил таркибга эга бўлган озуқа муҳити манбалари мавжудлигини ўрганиб чиқиди. Олимларнинг натижаларига кўра, энг мақбул озуқа муҳити бўлган глюкоза, лактоза ва крахмал сақлаган озуқа манбаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Дарҳақиқат, она табиатнинг ўзи шифокор. Бошқача айтганда, инсон организмга зарур бўлган барча факторлар ҳам, мабодо у хасталикка учраса, унга даво бўладиган малҳамлар ҳам атрофимиздаги табиий оламда тўла-тўқис мужасамдир. Фақат улардан оқибу турлар инсоннинг юрак, мия, қора талоқ, буйрак, ўпка аъзоларининг шаклларида жуда ўхшашлиги — уларнинг фойдали хусусиятлари табиатдан ато қилинганини сўзсиз исботлайди. Аслида ҳам уларнинг таркибида 200 дан ортиқ фаол моддалар, жумладан, 7 хил моносахарид, 18 хил аминокислоталар, 10 хил микроуносурлар ва бошқа фойдали моддалар борлиги аниқланган.

Олимларнинг фикрига қараганда, бу кўзиқоринларнинг организмга шифобахшлиги бошқа турдаги кўзиқоринларда учрамаган экан. Энг муҳими, бу маҳсулотларни истеъмол қилганда инсоннинг барча аъзолари фаолиятга ижобий таъсир кўрсатгани ўз исботини топган. Энг асосийси, у иммун тизимни мустаҳкамлайди ва айни вақтда организмни турли ёнилғи маҳсулотлардан ажралаб чиқиб, нафас йўли орқали танамизга кирган захарли кўрғошин моддаси, бактерия ва вируслар, кимдэй дори воситалари қолдиқлари, хилтлар, буйрак, ўт пуфаги ва бўғимлардаги тош-тузалардан, ортиқча ёғлардан тозалайди.

Шунингдек, у пардоз воситаси сифатида ҳам самарали қўлланилади. Хусусан, юздаги майда ажинларни йўқотади, терининг мунтазам майинлигини сақтайди. Тадқиқотчилар маҳаллий шароитда ўсган замбуруғнинг фармакологик хусусиятларини ўрганиш борасида унинг кўп миқдорда полисахаридлар сақлашини аниқладилар. Олимларнинг фикрича, улардан ўстириш шароитини ўзгартириш орқали экзо ва эндополисахаридларни кўп миқдорда ажратиб олиш имконияти мавжуд. Шу боисдан ёш олимлар генодерма лусидиум замбуруғининг полисахаридлар синтез қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида, 13 хил таркибга эга бўлган озуқа муҳити манбалари мавжудлигини ўрганиб чиқиди. Олимларнинг натижаларига кўра, энг мақбул озуқа муҳити бўлган глюкоза, лактоза ва крахмал сақлаган озуқа манбаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Дарҳақиқат, она табиатнинг ўзи шифокор. Бошқача айтганда, инсон организмга зарур бўлган барча факторлар ҳам, мабодо у хасталикка учраса, унга даво бўладиган малҳамлар ҳам атрофимиздаги табиий оламда тўла-тўқис мужасамдир. Фақат улардан оқибу турлар инсоннинг юрак, мия, қора талоқ, буйрак, ўпка аъзоларининг шаклларида жуда ўхшашлиги — уларнинг фойдали хусусиятлари табиатдан ато қилинганини сўзсиз исботлайди. Аслида ҳам уларнинг таркибида 200 дан ортиқ фаол моддалар, жумладан, 7 хил моносахарид, 18 хил аминокислоталар, 10 хил микроуносурлар ва бошқа фойдали моддалар борлиги аниқланган.

Олимларнинг фикрига қараганда, бу кўзиқоринларнинг организмга шифобахшлиги бошқа турдаги кўзиқоринларда учрамаган экан. Энг муҳими, бу маҳсулотларни истеъмол қилганда инсоннинг барча аъзолари фаолиятга ижобий таъсир кўрсатгани ўз исботини топган. Энг асосийси, у иммун тизимни мустаҳкамлайди ва айни вақтда организмни турли ёнилғи маҳсулотлардан ажралаб чиқиб, нафас йўли орқали танамизга кирган захарли кўрғошин моддаси, бактерия ва вируслар, кимдэй дори воситалари қолдиқлари, хилтлар, буйрак, ўт пуфаги ва бўғимлардаги тош-тузалардан, ортиқча ёғлардан тозалайди.

Шунингдек, у пардоз воситаси сифатида ҳам самарали қўлланилади. Хусусан, юздаги майда ажинларни йўқотади, терининг мунтазам майинлигини сақтайди. Тадқиқотчилар маҳаллий шароитда ўсган замбуруғнинг фармакологик хусусиятларини ўрганиш борасида унинг кўп миқдорда полисахаридлар сақлашини аниқладилар. Олимларнинг фикрича, улардан ўстириш шароитини ўзгартириш орқали экзо ва эндополисахаридларни кўп миқдорда ажратиб олиш имконияти мавжуд. Шу боисдан ёш олимлар генодерма лусидиум замбуруғининг полисахаридлар синтез қилиш хусусиятини аниқлаш мақсадида, 13 хил таркибга эга бўлган озуқа муҳити манбалари мавжудлигини ўрганиб чиқиди. Олимларнинг натижаларига кўра, энг мақбул озуқа муҳити бўлган глюкоза, лактоза ва крахмал сақлаган озуқа манбаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан.

Дарҳақиқат, она табиатнинг ўзи шифокор. Бошқача айтганда, инсон организмга зарур бўлган барча факторлар ҳам, мабодо у хасталикка учраса, унга даво бўладиган малҳамлар ҳам атрофимиздаги табиий оламда тўла-тўқис мужасамдир. Фақат улардан оқибу турлар инсоннинг юрак, мия, қора талоқ, буйрак, ўпка аъзоларининг шаклларида жуда ўхшашлиги — уларнинг фойдали хусусиятлари табиатдан ато қилинганини сўзсиз исботлайди. Аслида ҳам уларнинг таркибида 200 дан ортиқ фаол моддалар, жумладан, 7 хил моносахарид, 18 хил аминокислоталар, 10 хил микроуносурлар ва бошқа фойдали мод